

ФАРГОНАДА "СИЗ БИЗ УЧУН ҚАДРЛИСИЗ" ШИОРИ ОСТИДА МАДАНИЙ ТАДБИР БҮЛИБ ЎТДИ

Бугун вилоят театр ва концерт саройида “Сиз биз учун қадрлисиз” шиори остида маданий тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси ва Реабилитация ва мослаштирув маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирга вилоятнинг шаҳар ва туманларидан ижтимоий кўмакка муҳтож, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган, пробация ва профилактик ҳисобда турган хотин-қизлар таклиф этилди.

Тадбирнинг асосий мақсади ҳам ушбу тоифадаги аёлларни жамиятимиздан четга чиқариб қўймаслик, уларни оиласи, яқинлари учун кераклигини ҳис қилдириш, кўнглини кўтариш, жамиятга қайтаришдан иборат.

Маданий тадбирда сўз олган вилоят ҳокимининг ўринbosари – вилоят Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Комила Кавлонова юртимизда хотин-қизлар учун айниқса, кўмакка муҳтож хотин-қизларга барча имкониятлар эшиги очилаётгани, ўз меҳнати билан оиласи, рўзфорини бут қилиб яшаш, фарзандлари тарбияси, келажаги учун меҳр-муҳаббатлари зарурлигини қайд этди. Уларнинг бахтили кунлари фарзандлари бахтида албатта рўёбга чиқишилигига, бахтили ҳаёт оиласи, фарзандлари, ота-она ва дўстлари даврасида эканлигини доимо ёдда тутишларини таъкидлади.

Байрам тадбири давомида иштирокчиларга совғалар улашилди, 20 нафар хотин-қизларга Хоразм вилоятига саёҳат қилиш учун З кунлик йўлланма берилди. Бундан ташқари, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида 10 нафар аёлларнинг фарзандлари учун ўз худудларидағи спорт тўгаракларига бепул йўлланмалар ҳам тақдим қилинди.

Викторина ўйинларида иштирок этиб, ғолиб бўлган 10 нафар аёллар ёки уларнинг фарзандлари учун Фарғона шаҳридаги “Ибратли бекам” ўқув марказида 10 хил йўналишда ўқишлари учун бепул йўлланмалар ҳам топширилди.

Мактаб ўқувчилари томонидан айтилган шеърлар, вилоят маданият уйи ходимлари ва хушовоз хонандалар ижросидаги қўшиқлар, раққосаларнинг чиқишилари барчага бирдек манзур бўлди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-10-28 16:19:46